



ИШОНЧ


ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 10 апрел, шанба № 40 (687)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ОРОЛ МУАММОСИ ИЖОБИЙ ТОМОНГА ЎЗГАРМОҚДА

АШГАБАД, 9 апрел. **ЎзА** махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади. Хабар қилинганликда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оролни кутқариш Халқаро Жамғармасининг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун 8-9 апрел кунлари Туркменистон пойтахтида бўлди.



Минтақамиз мамлакатлари давлат раҳбарларининг Ашгабад саммити, албатта, фақат бир мавзу билан чекланиб қолгани йўқ. Саммитнинг биринчи кундаёқ кун тартибидан Орол муаммоларидан ташқари, бошқа масалалар ҳам жой олди. Булар сира-сида минтақа миқёсидаги интеграция жараёнлари, давлатлараро муносабатлар ҳам кўриб чиқилди. Президентлар ўзаро манfaatли ҳамкорлик ривожига туртки берадиган, давлатларимизнинг халқаро иқтисодий муносабатлар тизими-га интеграциялашувни фаоллаштирадиган минтақавий лойиҳаларни муҳокама қилди. Ушбу лойиҳалар Каспий денгизи энергетика захира-ларини жаҳон бозорига етказиш, электр энергияси экспортини кенгайтириш, телекоммуникация, темир йўл ва автомобиль йўли алоқасига тааллуқлидир. Учрашувда минтақавий миқёсдаги ва давлатлараро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Аммо, дастлаб учрашувнинг бош масаласи бўлган Орол муаммосига қайтайлди. Урта Осиё мамлакатлари ва Қозғистон мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ минтақавий муаммоларни биргаликда ҳал этишга бел боғлади. Хусусан, Оролбўйидаги экологик бўҳрон давлатларимизни бир ёқадан бош чиқариб ишлашга ундади. Натига Оролни кутқариш халқаро жамғармаси ташкил этилди. Жамғара 40 миллионга яқин нуфуслик минтақада янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳолини зарур дори-дармон, тиббий хизмат ва ичимлик сув билан таъминлаш борасида фаоллик кўрсатиб келмоқда. Бундан ташқари, минтақа мамлакатларининг изчил саъй-ҳара-

катлари Орол муаммоси ечимига йирик халқаро молиявий ташкилотлар, кўп-лаб хорижий давлатларни жалб қилди. Саммитда Ўзбекистон раҳбари - Оролни кутқариш Халқаро Жамғармаси Президенти Ислам Каримов жамғарманинг 1997-1999 йиллар давридаги фаолияти ҳақида сўзлади. Утган вақт мобайнида Орол муаммоси ижобий томонга ўзгараётганини кузатиш мумкин. Масалан, Оролбўйида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан улкан ишлар амалга оширилмоқда, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш, аҳолига тиббий хизмат қўрсатиш, ичимлик сув билан таъминлаш яхши йўлга қўйилди. Орол денгизи сатҳининг пасайиши тўғрисида.

Мамлакатимиз раҳбари сув захиралари ҳақида сўзлар экан, минтақанинг айрим давлатларидан сувдан электр энергияси олиш имкониятини кўпчилиги, лекин бу имконият ишга солинмаётганини қайд этди. Ҳақиқатан ҳам, хорижда имкон йўлиги боис шамолдан, қуёш нуридан фойдаланиётганини кўп эшита-миз. Бизнинг минтақада эса аксинча, қулай имконият бору уни ишга солиш йўқ. Минтақада сув захираларида балиқчилик соҳасини ривожлантириш ва оқова сувлардан фойдаланишни йўлга қўйиш борасида ҳам имкониятлар кўп.

Давлатимиз раҳбари саммит иштирокчиларини бундай масалаларни умуминтақавий саъй-ҳаракатлар билан ечишга даъват қилди. Ўзбекистон Президенти айни пайтда кўпроқ имкониятлар даражасидаги лойиҳаларга эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади. Чунки йирик лойиҳаларга салоҳият ва маб-ла еттишмаслиги мумкин. Халқаро ташкилотларнинг ҳам катта лойиҳаларни молиялаштириши қийин кечарди. Маълумотларга қараганда, Орол муаммоси билан боғлиқ лойиҳаларнинг фақат йигирма фоизини минтақа давлатлари томонидан молиялаштирилмоқда, қолган қисми эса халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар зиммасига тушаётди.

Ашгабад саммити қатнашчилари Ўзбекистон раҳбарининг тақдир ва мулоҳазаларини қўллаб-қувватлади. Ислам Каримовнинг Оролни кутқариш халқаро жамғармасига раҳбарлиги даврида улкан ўзгаришлар амалга оширилгани алоҳида таъкидланди. Шундан сўнг жамғарманинг янги президенти масаласи кўриб чиқилди. Жамғара низомига биноан, унга раҳбарлик қилиш мuddати икки йилдан иборат. Ашгабад саммитида Туркменистон Президенти Сапармурод Ниязов жамғара раҳбарлигини қабул қилиб олди. Саммит

кун тартиби доирасида Оролни кутқариш Халқаро Жамғармасининг низомига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, жамғара ва унинг қошида очилган ташкилотлар мавқеини белгилаш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Учрашув якунида Урта Осиё мамлакатлари ва Қозғистон раҳбарларининг Кўшма баёноти ҳамда Орол муаммолари бўйича учрашув якунларига доир Ашгабад Декларацияси қабул қилинди. Саммит низомида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани бўлди. Унда президентлар кўриб чиқилган масалалар, эришилган келишувлар ҳусусида сўзлади. Давлат раҳбарларнинг журналистларнинг минтақавий интеграция жараёнлари, давлатлараро муносабатлар ҳусусидаги саволларига ҳам жавоб қайтарди. Хусусан, Туркменистоннинг МДХ мамлакатлари билан визасиз тартибни бекор қилиши масаласига оидинлик киритилди. С.Ниязовнинг таъкидлашича, визасиз тартиб мамлакатга четдан жиноятчилар киришига ва бошқа қўриқчиларга имкон яратмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Туркменистон ҳукуматининг бу қарорига муносабат билдириб, уни тўғри тушуниш лозимлигини таъкидлади. Албатта, айни вақтда, масалан, Фарбий Европада кучли ин-

теграция жараёнлари бошланиб, аксинча визасиз тартиб жорий қилинмоқда. Бу замон руҳига мос ҳаракат. Лекин, бизнинг минтақада вазият биров бошқача. Мисол учун жиноят бир давлатда тайёрланади ва ўзга бир мамлакатда содир этилади, ижрочилар эса учинчи мамлакатга яширинади. Шу каби масалаларни ҳисобга олсак, Туркменистон раҳбариятининг визасиз тартибни бекор этиш тўғрисидаги қарори ўз вақтида қабул қилинган тўғри қарордир, дейиш мумкин. МДХ доирасида юз бераётган ўзгаришларнинг минтақавий интеграция жараёнларига таъсири ҳақидаги саволга президентлар деярли бир хил мазмунда жавоб қайтардилар. Хусусан, минтақа давлатлари халқларини тил, дин, тарих ва маданиятдаги муштаракликдан ташқари, нонга, ер-сувга, меҳнат ва меҳр-шафқатга бир хил муносабат ҳам бирлаштиради. МДХ доирасида «катта оға» сингари тушунчаларга энди чек қўйилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари фаолиятини ҳам тубдан ислоҳ қилиш заруратини аналтиди. Мазкур тизим келажакда ҳуқуқий демократик жамият сари интилаётган мамлакатимиз пойдеворига айланажгайи ва бундай бошқарувга хос хусусиятлар қадим-қадимдан халқимиз тарихи, маданияти билан жипслашиб кетгани эътироф этилмоқда. Бугунги кунда халқ мухокамасига қўйилган ва Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида иккинчи ўқишда муҳокама этилиши кўзда тутилган «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси атрофида қизгин баҳс-мунозаралар ҳанузгача тўхтагани йўқ.

Сўхбатдошимиз - республика «Маҳалла» жамғармаси бошқарувининг раиси, Олий Мажлис депутаты Шухрат Жалилов бу борадаги ўз фикрларини баён этди. - Биз бугун буюк ўзгаришлар даврида яшаймиз. Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идораларининг - шундай дейиш, менимча, тўғрироқ - ўрни ва аҳамияти кучайиб бормоқда. Чунки кучли фуқаролик жамиятида ҳуқуқ юқори давлат идораларидан кўйинга - маҳаллий давлат идораларига, улардан эса фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идораларига ўтади. Бу тизимни таҳлил қиладиган бўлсак, унинг асосий шакли сифатида маҳаллани тушунамиз. Маҳалла ўзини-ўзи бошқаришининг соф миллий, шарқона, ўзбек халқига мос бўлган тарихий қадриятлар, аъёнлар муассасаси ўлароқ шаклланиб бўлган. Тўғри, бошқа давлатларда ҳам ўзини-ўзи бошқариш идоралари бор ва бу нарса жаҳон амалиётида янгилик эмас. Аммо бевосита маҳаллалар фаолиятига боғланган бизнинг ўша ўзини-ўзи бошқариш тизими ҳеч бир давлатда йўқ. Чунки биздаги ушбу тизим фаолияти тор мақсадлар - иш билан таъминлаш, хайрия ва шу қабилар билангина чекланмайди. Унинг асосида мил-

лий тарбия, миллий ахлоқ, миллий қадриятлар ётибди. Биз маҳаллани бирлик тизими деб биламиз. Ва бу тизим ўз олдидagi айрим вазифаларни мудом аъло даражада адо этади. Энди бевосита қонун лойиҳасига мурожаат қилайлик. Унда фуқаролар йиғини оқсоқолларнинг ваколатлари жуда кенгайтирилган. Нафақат оқсоқолларнинг, балки фуқаролар йиғинининг, йиғин кенгаширининг ваколатлари ҳам ошган. Қўйинги, қонуннинг 10, 11, 12, 13-моддаларида фақат ваколатлар ҳақида сўз юритилди. Ва бу ваколатлар фуқаролар йиғини раиси ҳамда фуқаролар йиғинининг масъулиятини янада оширади. Қонунда аниқ фаолият йўналишлари ҳақида гап боради.

Қонун лойиҳасида ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор берилди, мактаб ва бошқа таълим муассасалари билан ҳамкорлик ҳусусида сўз юритилди. Ёшлар билан, хусусан, уларнинг маънавий-ахлоқий ва диний тарбияси соҳасида кўп ишлар қилиш лозим. Бу масалага республика миқёсида ва жойларда маҳалла йиғинлари раислари билан бўлиб ўтган аттестациялар вақтида ҳам эътибор қаратилди. Натигада 32 фонддан ортиқ маҳалла оқсоқоллари алмаштирилди. 50 фоизга яқин оқсоқоллар фаолияти талаб даражасида эмаслиги маълум бўлди.

Ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳаётида янги бир давр бошланди. Биринчидан - фуқаролар йиғинлари, маҳалла ҳуқуқий мажлиси аъло бўлди; иккинчидан - демократик ҳуқуқий жамиятга ўтишни асосий шаклларидан бири - маҳалла; учинчидан - ўзини-ўзи бошқариш идоралари, фуқаролар йиғинлари ва маҳалланинг моддий ва молиявий масалалари қонун лойиҳасида қатъий белги-ланмоқда; тўртинчидан - маҳаллаларни бошқаришда яхлит бир тизим - Республика оқсоқоллар кенгаши пайдо бўляпти.

Буларнинг барчаси эса қўйи бошқарувнинг, ўзини-ўзи бошқаришнинг нуфузини янада орттиради. **Воҳид ЛУҚМОНОВ** /ЎзА/

ЭҶТИРОМ

Мамлакатимизда буюк соҳибқирон Амир Темур таваллуд кунини кенг нишонланмоқда. Амир Темур беназир давлат арбоби ва бунёдкор шахс сифатида жаҳон цивилизацияси ва маданиятини ривожлантиришга бебаҳо ҳисса қўшди. Унинг маънавий мероси ўзбек миллий давлатчилигининг мустақамланишида алоҳида аҳамият касб этмоқда. 9 апрель - Амир Темур таваллуд кунини юртимиз пойтахтининг улуғ бобоқолонимиз номи билан юри-тилувчи хиебони одамлар билан хар қачонгидан ҳам гавжум бўлди. Бу ерга Тош-

кент шаҳар ва туман ҳокимликлари, жамоат ташкилотлари ва муассасаларнинг раҳбарлари, меҳнат ва уруш фахрийлари, ёшлар, хорижий меҳмонлар келдилар. Амир Темурнинг майдонга шуқуҳ ва салобат тўкиб турган улуғвор хайкали пойига анвойи гуллар қўйилди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев, Бош вазир ўринбосари Х.Кароматов қатнашди. /ЎзА/

ҚўШАЛОҚ БАЙРАМ

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги Амир Темур номи маҳаллада қўшалоқ байрам бўлиб ўтди. Юртимизга ташриф буюрган Наврузи олам ҳамда Амир Темур бобоимизнинг таваллуд айёми бир умрга унутилмас бўлиб қолади. Сузга чиққан нотиклардан туман ҳокимининг муовини Шавкат Пулатов, Чимир-ота жомий масжидининг имоми Муминжон қори, Амир Темур номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдувоҳид Тошпулатов, Ўзбекистон халқ артисти Закир Муҳаммаджонов, Теша Муминовларнинг дил сўзлари буюк соҳибқирон бобоимизга таъзим сифатида янгради. **З. САТТОРОВ.**

Иккала корхона ҳам ўз маҳсулотларини эҳтиёж-мандларга темир йўл орқали жунатиб, керакли юкларни темир йўл орқали ташиб келтиради. Халқимизда «Хисобли дўст айрилмас» деган нақл бор. Қарангки, темир йўлчилар хисоб-китоб қилишда устаси фаранг эканлар. Фирқимизнинг исботи учун мисолларга эътиборни қаратайлик. Дўстлик туманлараро агрокимё хиссадорлик жамияти

«Ишонч» бонг уради

Жиззах вилоятида «сахий»лар мусобақаси ўтказилганда Дўстлик туманлараро агрокимё хиссадорлик жамияти раиси Эшим Шодмонқулов, бош хисобчи Иброҳим Султонов сўзсиз биринчи ўринни, туман пахта тозалаш корхонаси раҳбари Фатхулла Хамидов ва бош хисобчи Яхшилик Олдобеёвлар иккинчи ўринни эгаллаган бўлишарди. Ҳа, бу азаматларнинг танглигига гап йўқ. Агар машҳур эртақлар қаҳрамони Хотамтойнинг бир умри қайру эҳсонларини жамласангиз ҳам уларнинг бир ойлик «химматига» тенгласангиз бўларди. Лекин қошқини бу химмат жамоада ишлаётган кишилар манфаати учун бўлсаю, уларга рўшнолик келтирса... Афсуслар бўлсинки, хотамтойлар масъулиятсизлик қилиб не умидлар билан сидқидилдан тер тўкаётган кишилар чўнтагини қокмоқда, улар неча ойлаб иш ҳақларини ололмасликларига сабабчи бўлишмоқда.

«Ишонч» бонг уради совуққонлик билан ёндодилар. Ишлар чўзилса катта жарима тўлаш лозимлигини яхши билсалар-да, уришли эътирозларга пинак қоқилмади. Оқибатда вагонлар 39,5 минг соатдан зиёдор бекор ушлаб қолди. Туман агрокимё хиссадорлик жамияти бунинг учун 10 миллион сўм жарима тўлади. Ахир бундан кимга фойдаю, кимга зиён. Мутасадди раҳбарлар бу жариманинг озгина қисмини бўлса-да, ёнларидан тўлашганда шубҳасиз зир югуриб қолишган бўларди. Эси, ишчиларнинг пешона тери пуллари. Рақамларга синчков кўз югуртирамиз. Биргина ўтган йилнинг апрелида 61 вагон маъдан ўғитини тушириш

вақтида тўламаганлиги учун 5 миллион сўмга яқин пийна солиғи ҳам қўйиб юборди. Ана шундан кейин иқтисодий тўқнашнинг оқибати, ойлик маошларини вақтида бериш, ижтимоий-иқтисодий химоя каби соҳаларда қийинчиликлар, муаммолар юзага келётганини тушунгандай бўлсан киши. Энг ташвишланарлиси шу

вақтида тўламаганлиги учун 5 миллион сўмга яқин пийна солиғи ҳам қўйиб юборди. Ана шундан кейин иқтисодий тўқнашнинг оқибати, ойлик маошларини вақтида бериш, ижтимоий-иқтисодий химоя каби соҳаларда қийинчиликлар, муаммолар юзага келётганини тушунгандай бўлсан киши. Энг ташвишланарлиси шу

ки, сабоқлардан тўғри ҳулосалар чиқарилаётган. Жорий йилнинг январ, феврал ойлариде ҳам катта миқдорда жарима тўланди. Туман пахта тозалаш очик турдаги хиссадорлик жамияти хотамтойлари бултур 98 вагон тола, лент ва бошқа маҳсулотлар жунатишган. Ҳар бир вагонни юк-лаш учун 11 соатдан вақт ажратилган. Амалда эса бу

жойлаштирилса, ҳеч қандай тўсиққа ҳожат қолмасди. Режасиз, палапарши ишлашнинг қосаси оқармайди. Дўстликдаги мазкур корхона хисобчиси аввалги жарима, пийна ва меҳнат ҳақи қарзларини тўлаб улгурмасидан 1999 йил 1 чораги учун ҳам бир миллион сўм ўтказадиган бўлиб турибди. Давлат, корхона ва ташкилот хисобидан хотамтойлик қилаётган туман йўл қурилиш бошқармаси, Мирзачўл агрокимё очик турдаги хиссадорлик жамияти ҳам чўв тушиб, катта миқдордаги маъ-ладан айрилдилар. Бенихтиёр савол тугилад: наҳотки бу пуллар жамоаларнинг ўз эҳтиёжи учун зарур бўлмаса? Бу каби камчиликлар ҳақида бот-бот гапирилган, бироқ тўғри ҳулоса чиқарилаётган, эски касалик давом этапти. Йил 12 — ой фидокорона меҳнат эвазига ишлаб топилган маблағларни совириш қачон барҳам топади? **Келдиёр ЖўРАҚЛОВ**, «Ишонч» мухбири.

«МЕНГА НИМА, ХАМЁНИМДАН ТЎЛАРМИДИМ»

Дўстлик туманлараро агрокимё хиссадорлик жамияти темир йўлга 10 миллион сўм жарима тўлади

номига бултур йил давомида 480 вагон кимевий до-рилар ва маъдан ўғитлари келган эди. Темир йўл бекати хизматчилари уларни тушириб, вагонларни буша-тиб олиш учун эгаларига 2880 соат белгиладилар. Бу вақт ичида бемалол юкларни саранжомлаш мумкин эди. Бироқ кимёчилар, аникроги уларнинг мутасадди раҳбарлари муҳим иш-

ма тўлади. Ахир бундан кимга фойдаю, кимга зиён. Мутасадди раҳбарлар бу жариманинг озгина қисмини бўлса-да, ёнларидан тўлашганда шубҳасиз зир югуриб қолишган бўларди. Эси, ишчиларнинг пешона тери пуллари. Рақамларга синчков кўз югуртирамиз. Биргина ўтган йилнинг апрелида 61 вагон маъдан ўғитини тушириш

вақтида тўламаганлиги учун 5 миллион сўмга яқин пийна солиғи ҳам қўйиб юборди. Ана шундан кейин иқтисодий тўқнашнинг оқибати, ойлик маошларини вақтида бериш, ижтимоий-иқтисодий химоя каби соҳаларда қийинчиликлар, муаммолар юзага келётганини тушунгандай бўлсан киши. Энг ташвишланарлиси шу

вақтида тўламаганлиги учун 5 миллион сўмга яқин пийна солиғи ҳам қўйиб юборди. Ана шундан кейин иқтисодий тўқнашнинг оқибати, ойлик маошларини вақтида бериш, ижтимоий-иқтисодий химоя каби соҳаларда қийинчиликлар, муаммолар юзага келётганини тушунгандай бўлсан киши. Энг ташвишланарлиси шу

вақтида тўламаганлиги учун 5 миллион сўмга яқин пийна солиғи ҳам қўйиб юборди. Ана шундан кейин иқтисодий тўқнашнинг оқибати, ойлик маошларини вақтида бериш, ижтимоий-иқтисодий химоя каби соҳаларда қийинчиликлар, муаммолар юзага келётганини тушунгандай бўлсан киши. Энг ташвишланарлиси шу

Конституциямиз - инсон ҳуқуқи ва эркинликларининг кафолатидир

Конституциямиз хар биримизнинг ҳуқуқ ва эркинликларимизни амалга ошириш учун барча шароитларни таъминлайди. Миллати ва лавозимидан қатъи назар, хар бир фуқаро ўз ҳуқуқи ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятига эга. Суд — адолат ўрнатувчи, жавобгарликни белгиловчи ва айбдорни жазога маҳкум этувчи давлат ҳокимиятининг ягона тармоғи. Адолат, жавобгарлик ва жазо тушунчалари умуминсоний моҳиятга эга бўлиб, у жамият ҳаётининг асосига бевосита алоқадордир. Бинобарин адолатга асосланмаган, жавобгарлик ўрнатилмаган, жазонинг муқаррарлиги таъминланмаган жамият ҳеч қачон мустаҳкам ва қудратли бўла олмайди. Адолат тарозиси барчага баб-баробар бўлиши шарт. Акс ҳолда ноҳақлик юз беради, оқибатда кимлардир жавобгарликдан ўринсиз халос бўлиб, ножўя қилмиши учун жазоланмай қолади ёки кимлардир азият чекиши мумкин. Шубҳасиз, жазонинг меъёри хар бир айбдорнинг шахси, унга руҳий-ахлоқий таъсир этиш заруриятининг даражаси билан боғлиқ эканини эътиборга олмақ даркор.

Тарих сабоқлари шунки тақозо қиладики, жамият тараққиёти учун хавфли иллатлар қўйишга оқибатдан-оқибат рўй бермай, турли ниқоб остида, хилма-хил баҳона, шарт-шароитлар билан хаспўшланиб амалга оширилади. Уларни кўпчилик дарҳол сезмайди, очиб ташлашга, жиддий эътироз билдиришга ожизлик қилади. Бу ҳолат ҳозирги ҳаётимизга ҳам бевосита тааллуқлидир. Адолат посбонларининг жонбозлиги ошқора жиноятларни тергов қилишга қараганда, одатда бир неча марта кўп «устамонлик» билан содир этилган хуфя жиноятларни фож этишга сарфланади.

Адолат, жавобгарлик, жазо тушунчалари узок тарихда аста-секин шаклланиб, асрлар давомида тақомиллашиб келган. Улар, афсуски, ҳамма даврларда ҳам тўғри тафсил қилинмаган ва ҳаётда бир хил тараннум этилмаган. Шу сабабли улар ҳақида баъзи мулоҳазаларни айтиб ўтишни лозим топдик. Адолат ижтимоий ҳаётга, жамият аъзоларининг ўзаро муносабатларига оид тушунчадир. Шу боисдан уни кўпчилик «ижтимоий адолат» ибораси билан таърифлайдилар. Дарҳақиқат, адолат фақат ижтимоий бўлиб, қандайдир табиий, сунъий, техникавий, соҳавий бўлиши мумкин эмас.

Президентимиз Ислам Каримов «Туркистон» газетаси муҳбирининг саволларига жавобларида алоҳида ургу бериб уқтирган сўзлари бор: «Буюк аждодимиз юксак тараққи топан давлат барпо этгани ва бу мамлакатда «Куч - адолатда» деган бош шiori давлат сиёсатининг, жамият ҳаётининг асоси бўлганини

симлаш, айирбошлашда мезон бўлмоғи, ҳокимиятнинг ҳам, фуқаронин ҳам ўзгалар билан мулоқотларида, тақдирлаш ва тажирлаш, зарарни тўлаш ва ундириш каби кундалик фаолиятларида андоза бўлиб хизмат қилмоғи лозим.

Шахс ўзи учун ҳам, ўзга учун ҳам фойдали ёхуд зарарли унсурлар мувозанатида эътибор бермоғи, уларнинг на кулайишига ва на қамайиб кетишига йўл қўймаглиги шарт. Акс ҳолда адолатсизлик рўй беради.

Адолат бахт, эркинлик ва тенглик каби умуминсоний гоғлар тизимида алоҳида ўрин эгаллайди. У ягона, барча учун бир хил-

«тақикланмаган барча фаолият билан шугулланиш мумкин». Иккала қоида ҳам тўғри, аммо иккинчиси шахсни ташаббускор, фаол ва изланувчан бўлишга чорлайди. Мансабга оид фаолиятга нисбатан эса уни татбиқ қилиб бўлмайди, чунки хар қандай лавозимли шахс фақат ўз ваколати доирасида қонун-қоидада кўрсатилган хизмат қилиши, шахсининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини қандай тарзда бўлмасин қамситмаслиги шарт. Айни вақтда мансабдорлар хар бир шахсининг оистак ва талабларини қаноатлантириш учун барча чораларни кўришга мажбур. Давлат идораларида ҳануз давом этаётган сансалорлик, тўрачилик, лоқайдлик ҳоллари кўпича «бу бевосита менинг хизмат ва зиғамга кирмайди» таомилида йўл танлаш оқибатидир.

Адолат - ҳуқуқнинг неғизи, у ҳатто кодекс, қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига сиймайдиған мазмунга эга. Амалдаги қонунлар ҳам фақат адолатга хизмат қилмоғи, одилона қоидаларнигина ифодаламоғи лозим. Қонунлар ҳуқуқий воқелик сифатида худди иқтисодий, сиёсий, маънавий воқеликлар сингари адолат тарозисиде ўлчанмоғи керак. Нотўғри ифодаланган адолатсиз қонунлар жамиятни ларзага солишга ҳозир эканлигига мисоллар кўп, чунки: СССР МИҚ Раёсатининг «Террористик актларга тайёргарлик ва уларни содир этиш бўйича ишларни юритиш тартиби тўғрисида» 1934 йил 1 декабр қарори Раёсатининг 28 аъзосидан фақат тўрттасини фикри билан қабул қилинган ва оммавий қирғинларга «юридик асос» сифатида 20 йилдан зиёд давр мобайнида фойдаланилган. Шу билан бирга таассуфки, совет ҳуқуқшунослигига «раҳнамолик» қилган А.Я.Вишинский 1937 йили эскириб қолган, жамият, халқ, партия манфаатларини қаноатлантирмайдиган қонунларни «четга суриб қўйишга» даъват этган эди. Лекин бу даъват 1934 йил 1 декабр қонунли қабилини эмас, бошқа партия «йўлириқларига» ҳалақит бериш эҳтимоли бўлган қонунларни кўзда тутган.

Хуқуқшуносликда икки хил муҳим қоида мавжуд: бири - «фақат руҳсат этилган фаолият билан шугулланиш мумкин», иккинчиси

АДОЛАТ МЕЗОНЛАРИ

даги тушунча. Адолат - сермазмун қадрият. У кундалик ҳаётда шахсининг одобига баҳо беришда ҳам қўлланади. Ўз хулқига эътибор бериш, бошқаларни ҳурмат қилиш, эъозлаш адолатли шахсгагина хос хислатдир. «Қилмиш - қидирмиш», «Ўзинга раво кўрмагани бошқага ҳам раво кўрма» қабилида иш тутиш оилада ҳам, мактабда ҳам, ишхонада ҳам ижобий натижа беради. Айниқса каттақичма маъмурулар, ваколатли лавозимдагилар бошқалар билан муомалада доимо одил бўлишни унутмасликлари, уларни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатишда, муқофотлаш ва тартибга чиқариш чоғида камситмаслиги, эътиборли бўлишлари талаб қилинади. Бунга ўхшаш хулқ-атворга хос талаблар, шубҳасиз, адолатлидир.

Хуқуқ соҳасида адолат эса нафақат асосий, балки қонун устуворлигига эришининг қудратли воситаси, ҳуқуқни ҳимоя қилишга қаратилган фаолият ва суд ҳокимиятининг бирдан-бири, ягона сунъийдир. Конституциямизнинг 14- ва 18-моддаларида адолат инсон ва жамият манфаатларига хизмат қилувчи давлат ҳокимиятининг муҳим тамойили сифатида акс этирилган.

Хуқуқшуносликда икки хил муҳим қоида мавжуд: бири - «фақат руҳсат этилган фаолият билан шугулланиш мумкин», иккинчиси



Бугунги кунда Шахрисабздаги «Хужум» бадий буюмлар жамоа корхонасининг доврўғини республикамиздан ташқарида ҳам яхши билишади. Корхонада ишлаб чиқарилаётган миллий услубдаги амалий сир-асорларни сифатлиги ҳамда харидорлиги билан тармоқ корхоналари орасида ажралиб туради.

Бу ерда ҳозирда гиламчилик сир-асорлари ҳам пухта эгалланган.

Суратларда: 1. Мохир тикучи Фотима Йўлдошева шогирди Фаёза



Гўлдошева билан попопчилик амалий санъати ҳақида суҳбатлашмоқда. 2. Гиламчилик цехи илғор ишчилари Шойиста Ибрагимова ва Мухаббат Кароматовалар.

Абдураул ПАРДАЕВ олган суратлар.

9 май - Хотира ва қадрлаш кунин Дўстлар яна ДИЙДОРЛАШИДИ

Кутлуг сана олдинда мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқларида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиш бошланиб кетди.

Ана шундай учрашувлардан бири кунин кеча Юқори Чирчик туманидаги Янгибозор кўрғонинда жойлашган «Соҳил» қаҳвахонасида бўлиб ўтди. У туман ҳокимлиги ва туман Чернобил жамияти ташаббуси билан ўтказилди.

Унга тумандаги турли корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган Афғонистон уруши ҳамда Чернобил ҳалокатида қатнашган 50 нафар киши таклиф этилди.

Анжуманда туман ҳокимлиги, туман мудофаа ишлари бўлими масъул раҳбарлари сўзга чиқиб, иштирокчиларга оилавий бахт ҳамда келгуси ишларида омадлар тилади.

Шундан сўн Афғон уруши ҳамда Чернобил ҳалокати иштирокчилари ҳам сўз олишиб бевақт дунёдан кўз юмиб кетган сафдош дўстларини эсга оlishди.

Учрашув ҳомилиари бўлган туман нон ишлаб чиқариш корхонаси, Янгибозор момиқ фабрикаси, туман фермерлар уюшмалари томонидан тўқин дастурхон тўзилди.

Бир пиёла чай устида бўлган ушбу қизиқарли учрашувларда дўстлар дийдорлашиб, дилдан суҳбатлашди ва дилрабо куй-қўшиқлар тингашди.

Л. МАНСУРОВ.

Ташаббус

Пойтахт қасаба уюшмалари Кенгашининг V пленумида кенгаш раиси М.Содиқов шахримиздаги Олий ва ўрта махсус ўқув юрталарида малакали мутахассисларни тайёрлаш ишига ҳисса қўшиш, қасаба уюшмалари фаолиятига ёшларни кенг қамраб олиш мақсадида 1999 йилдан эътиборан 10 та стипендия таъсис этиш тўғрисидаги ташаббус билан чиқди. Хайри иш раёсат томонидан қўллаб-қувватланди.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ СТИПЕНДИЯТЛАРИ

Стипендияларга Низом талабларига мос келувчи номзодлар шахримиздаги Олий ва ўрта махсус ўқув юрталари Илмий (педагогик) кенгаши билан қасаба уюшма кўмиталарининг қўшма мажлисларида тасвир қилинадиғанди бўлди. Киши сессия якунларида асосан ўқув муассасалари ва тармоқ қасаба уюшма шайх қўмиталарининг тасвир қилинадиғанди бўлди. Киши сессия якунларида асосан ўқув муассасалари ва тармоқ қасаба уюшма шайх қўмиталарининг тасвир қилинадиғанди бўлди. Киши сессия якунларида асосан ўқув муассасалари ва тармоқ қасаба уюшма шайх қўмиталарининг тасвир қилинадиғанди бўлди.

«Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг Наманган вилояти ҳудудий бўлими мас жамоаси ҳам Аёллар йилнинг дастлабки ойларидан аънаваной тиббиёт кўригини ўтказмоқда.

«Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг Наманган вилояти ҳудудий бўлими мас жамоаси ҳам Аёллар йилнинг дастлабки ойларидан аънаваной тиббиёт кўригини ўтказмоқда.

Малакали шифокорлар гуруҳи замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган «Амбуланс» автомашинасида туманининг энг чекка қишлоқларида, жумладан «Дўстлик», Қизилворат қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудида бўлиб, 17 ёшга бўлган ўсмирлар, фарзанд қириш ёшидаги аёлларни тиббий кўриқдан ўтказди.

Шунингдек, ҳам таъминланган, кўп болали оилаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатдилар.

Утган Оила йилида 150 дан зиёд кишига моддий ёрдам кўрсатилди, — дейди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг туман таянч пункти раҳбари Раънохон Ҳамдамова. — Оналик ва болаликни муҳофаза қилишга ҳам алоҳида аҳамият беришмоқда. Жамғарма қошида дорихона ишлаб турибди.

М.КОДИРОВ.

1999 йил — Аёллар йили

Қасаба уюшмалари Қашқадарё вилоят Кенгашида аёллар йилига бағишлаб давра суҳбати ўтказилди. Уни қасаба уюшмалари вилоят Кенгашининг раиси Э.Ражабов олиб борди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кенгашининг раиси К.Исмомилова «Аёллар йилида республика ва вилоят тадбирлари дастурларини бажаришда хотин-қизлар кўмиталарининг ўрни ва

ҲАЁТ КЎРКИ

вазифалари тўғрисида» мавзусида маъруза қилди. «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлимининг раиси С.Усмонов, ЎзХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Ф.Омонов, «Қамолот» ёшлар жамғармаси вилоят бўлимининг раиси Б.Юсуповлар хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни, улар билан ҳамкорликда ишлаш борасидаги вазифалар хусусида гапирдилар.

Вилоят судининг раиси Қ.Нурматов «Аёлларнинг ҳуқуқ ва уларга бериладиган кафолатлар ҳамда имтиёзларини таъминлашда маъмурий ва ҳуқуқ органлари вазифалари» хусусида сўз юритди. Шахрисабз туманидаги «Муминобод» қишлоқ фуқаролар йиғини раисаси Ш.Умарова, Яқабжон туманидаги «Яқабжон» жамоа ширкат ҳужалиги қасаба уюшма кўмитаси раиси С.Раҳимов ва бошқалар ҳам Аёллар йилида амалга ошириладиган вазифалар, уларнинг жамиятимизда тутган ўрни ҳақида гапирдилар.

Ш.СУЛТОНОВ, «Ишонч» муҳбири.

Қонун қандай бажарилмоқда?

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ТАН ЖАРОҲАТИ

Ишчи-хизматчиларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш шукунининг долзарб вазифалардан биридир.

Жойларда меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун қандай бажарилмоқда? Биз Навоий вилоятида бу борада қилинаётган ишлар билан яқиндан танишдик.

Маълумотларга қараганда, ўтган йили вилоят ҳудудидаги корхоналарда Ўзбекистон Республикаси Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг қай тарзда бажарилаётганлиги юзасида 250 га яқин текширишлар ўтказилди. Баъзи жойларда мазкур қонун бандлари қўпол равишда бузилаётганлиги боис мутасадди раҳбарларга 144150 сўм миқдорда жарималар солинди. 5 нафар раҳбар эғаллаб турган лавозимларидан четлаштирилди. Вилоят ҳудудидаги корхона ва ташкилотларда содир бўлган 27 та оқибати оғир бахтсиз ҳодисалар давлат меҳнат техника инспекторлари томонидан текширилди. Бу ҳодисалар оқибатида 12 нафар ишчи ҳаётдан қўз юмди, 18 киши оғир тан жароҳати олди.

Ушбу ноҳуқлиқларнинг келиб чиқишига жамоаларда меҳнатни муҳофаза қилиш тўғри йўлга қўйилмаганлиги, мансабдор шахсларнинг лоқайдлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги мажбуриятлар бажарилмаслиги ва жавобгарликни ҳис этмаганлик сабаб бўлмоқда. Масалан, Навоий пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятида бултур 8 та ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодиса содир бўлган бўлса, шундан 2 таси оғир оқибатлидир. Текшириш жараёнида 3 та бахт-

сиз ҳодиса корхона раҳбарияти томонидан яширилганлиги аниқланди. Бу ердаги мутасаддилар ҳамда қасаба уюшма кўмитаси ишчи-хизматчиларнинг меҳнатини муҳофаза қилишга етарлича эътибор бермаёттирлар. Ишлаб чиқаришда техника ҳавфсизлиги талаблари бажарилмаёттир. Айниқса, корхона муҳандис-техник ходимларининг билим савияси пастиги ачинаридир.

Меҳнатни муҳофаза қилиш қонунининг 13-19-моддалари талабларини бажармаганлиги учун ушбу корхона бош муҳандиси М.Аслоновга Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонуннинг 49-моддасига биноан жарима солинди.

4-сон Навоий таъмирлаш-қурилиш бошқармасида (бошлиги Алишер Аҳмедов) ўтган йили битта ишлаб чиқариш билан боғлиқ оғир бахтсиз ҳодиса содир бўлган. Маъмурият томонидан бу бахтсиз ҳодиса яширилганлиги боис бош муҳандис А.Попелюк жарима тўлашга мажбур бўлди.

Баъзи раҳбарлар буни ўйлаш у ёқда турсин, ҳатто ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ҳодисаларни яширишга уринмоқдалар. Ахир шунинг ўзи ҳам жиноятнинг бир тури эмасмикан?

Қисқаси ўтган йил ҳамда жорий йилнинг икки ойи давомида вилоят микёсидаги корхона ва ташкилотларда 1670 марта меҳнат қонунчилиги бузилди. Оқибатда Зарафшон, Учқудук, Томди, Навбахор, Қизилтепа, Қони-мех, Навоий, Нурота, Хатирчи туманлари ҳамда Навоий тоғ металлургия комбинати раҳбарлари жарима тўладилар.

Лекин бу билан инсон соғлиғи ёки ҳазон бўлган умр қайтарилармиди?

Воси НОСИР, «Ишонч» муҳбири.

Ислоҳот йўлидаги ғов НЕГА ХОМУШСИЗ, ОНАХОН?

Республика Президентининг «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чоралар-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини республикамиз саодат соҳиблари зўр мамнуният ва миннатдорчилик ила қарши олдилар. Қўлгина корхоналар, ташкилотлар, муассасаларда бу борада ибратли тадбирлар амалга ошириляпти. Биз Тошкент шаҳар Яқкасарой туманидаги масъулият қилган «Полимер» жамиятидаги ишлар, хотин-қизларга эътибор масаласи билан яқиндан танишдик. Маълумки, бир вақтлар мазкур корхонанинг омади юришганди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури ва сифати барчани кувонтирдирди. Бахтга қарши бу ерда бозор шароитида ишлашга пухта тайёргарлик қўрилмади. Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш омиллари суст жорий этилди. Тармоқда иқтисодиётни юксалтиришга хизмат қиладиган аниқликларни жорий этиш, ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ҳам эътиборда бўлмади. Натийжада вақт ўтиши билан иш орқага кетди, танг аҳвол юзга келди. Жамият раҳбари Турсунной Аҳмедова қолдиқнинг асосий сабабларидан бири хомашё воситачилар орқали олинаятилганлиги, дея эътироф этади.

Ҳозир жамиятда ишчилар сони кескин қисқарган. Улар асосан юқори ва паст босимли пластмасса буюмлари ишлаб чиқаришади. Маҳсулот тури қисқариб уч

хилга тушиб қолди. Моддий манфаатдорлигининг тайини бўлмаганлиги сабабли ишчи ва хизматчиларнинг кўнгли совиди, қўлгина асбоб-ускуналар эскириб қолди, цехлардан фойз кетди.

Мутахассислар билан фикрлашгач, қоқоқликнинг яна бир сабабини пайқагандек бўлди. Омилкор, давр нафасини чуқур ҳис этаётган раҳбару мутахассислар ички имкониятларини қидириб топиб, иқтисодиётни юксалтириш омилларини қўлламоқдалар. Баъзилар эса цехларни қайта жиҳозлаб харидорлиқ маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда. Мазкур жамиятда эса олма пиш, озғимга туш, қабилида иш юртишди.

Аёлларга қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан муҳофаза қилиш ҳам кўнглидагидек эмас. Ўзбекистон Президентининг юқоридеда қайд этилган Фармонини жорий этишга тайёргарлик ҳамда эҳтиёткорлик билан буён шу ерда сидқи дилдан меҳнат қилаётган ишчи Мақтуба Юсупова билан фикрлашдик. Опанинг руҳи сўлгин, хомушқор кўринади. Билас ойллик маош уч ойдан буён берилмас экан... Унга имтиёзлар ҳақида гапириб беришни сўраганимизда жиҳолат бўлиб бош чиқибди.

Бозор имиллашни кечирмайди. Изчиллик, қатъиятлик кўрсатиб, инсон омилига алоҳида эътибор берилган жамоалардагина қўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Хикматуллоҳ КОДИРОВ.



ДУШАНБА, 12

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.40 «Тахлилнома».

8.40 «Ўзбектеlevision» намоиш этиди: «Тошлар тилга кирганда»... 9.10 «Ўзлик». Бадий-публицистик кўрсатув.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 Болалар учун «Севимли сози».

ЎзТВ II

19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.10 «Биржа ва банк хабарлари».

ЎзТВ III

17.55 «ДАРАКЧИ». 18.05 Кўрсатувлар дастури. 18.10 «Сен ҳақинда ва сен учун».

ЎзТВ IV

14.00-15.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНИЕСИ 15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари».

ЎзТВ V

15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида) 15.40 «Дурдаршан».

ЎзТВ VI

16.00 «Севги йўлида». 17.00 «Вакт ҳазинасида».

ЎзТВ VII

17.45 «Мультичарпалак». Ака-ука Гриммлар. «Кўнча ва тиграчки».

17.15 «30-канал»-да премьера: «Эхтирослар асирлигида».

СЕШАНБА, 13

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.30 «Ахборот».

8.30 Республика газеталарининг шарҳи. 8.45 Эстрада тароналари. 9.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Кичкинтойимиз-гижинтойимиз».

ЎзТВ II

18.10 «Ахборот» (рус тилида) 18.30 «Бинокор».

ЎзТВ III

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».

ЎзТВ IV

17.55 «ДАРАКЧИ». 18.05 Кўрсатувлар дастури. 18.10 «Сен ҳақинда ва сен учун».

ЎзТВ V

14.00-15.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНИЕСИ 15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари».

ЎзТВ VI

16.00 «Севги йўлида». 17.00 «Вакт ҳазинасида».

ЎзТВ VII

17.45 «Мультичарпалак». Ака-ука Гриммлар. «Кўнча ва тиграчки».

30-канал 9.05 «Мусликй тонг». Мусликй-дам олиш дастури.

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.30 «Ахборот».

ЎзТВ II

8.30 «Бир наво истар кўнгли». Мусликй дастури.

ЎзТВ III

17.15 «30-канал»-да премьера: «Эхтирослар асирлигида».

ЎзТВ IV

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».

ЎзТВ V

17.55 «ДАРАКЧИ». 18.05 Кўрсатувлар дастури. 18.10 «Сен ҳақинда ва сен учун».

ЎзТВ VI

17.45 «Мультичарпалак». Ака-ука Гриммлар. «Кўнча ва тиграчки».

19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!» 20.00 «Время».

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.30 «Ахборот».

ЎзТВ II

8.30 «Бир наво истар кўнгли». Мусликй дастури.

ЎзТВ III

17.15 «30-канал»-да премьера: «Эхтирослар асирлигида».

ЎзТВ IV

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».

ЎзТВ V

17.55 «ДАРАКЧИ». 18.05 Кўрсатувлар дастури. 18.10 «Сен ҳақинда ва сен учун».

ЎзТВ VI

17.45 «Мультичарпалак». Ака-ука Гриммлар. «Кўнча ва тиграчки».

17.45 «Мультичарпалак». Ака-ука Гриммлар. «Темир одам».

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.30 «Ахборот».

ЎзТВ II

8.30 «Бир наво истар кўнгли». Мусликй дастури.

ЎзТВ III

17.15 «30-канал»-да премьера: «Эхтирослар асирлигида».

ЎзТВ IV

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».

ЎзТВ V

17.55 «ДАРАКЧИ». 18.05 Кўрсатувлар дастури. 18.10 «Сен ҳақинда ва сен учун».

ЎзТВ VI

17.45 «Мультичарпалак». Ака-ука Гриммлар. «Кўнча ва тиграчки».

23.00 «Гиннес-шоу». 23.20 Оҳанглр ва Ёшонлар.

ЎзТВ I

6.30-8.00 Россия жамоат телевидениеси 6.30-8.00 Россия жамоат телевидениеси

ЎзТВ II

8.30 «Бир наво истар кўнгли». Мусликй дастури.

ЎзТВ III

17.15 «30-канал»-да премьера: «Эхтирослар асирлигида».

ЎзТВ IV

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».

ЎзТВ V

17.55 «ДАРАКЧИ». 18.05 Кўрсатувлар дастури. 18.10 «Сен ҳақинда ва сен учун».

ЎзТВ VI

17.45 «Мультичарпалак». Ака-ука Гриммлар. «Кўнча ва тиграчки».

19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.30 «Тинчлик маданияти».

ЎзТВ I

6.30-8.00 Россия жамоат телевидениеси 6.30-8.00 Россия жамоат телевидениеси

ЎзТВ II

8.30 «Бир наво истар кўнгли». Мусликй дастури.

ЎзТВ III

17.15 «30-канал»-да премьера: «Эхтирослар асирлигида».

ЎзТВ IV

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».

ЎзТВ V

17.55 «ДАРАКЧИ». 18.05 Кўрсатувлар дастури. 18.10 «Сен ҳақинда ва сен учун».

ЎзТВ VI

17.45 «Мультичарпалак». Ака-ука Гриммлар. «Кўнча ва тиграчки».

22.35 «Кино янгиликлари». 22.55 «Ўзбек киноси ижодкорлари».

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.30 «Ахборот».

ЎзТВ II

8.30 «Бир наво истар кўнгли». Мусликй дастури.

ЎзТВ III

17.15 «30-канал»-да премьера: «Эхтирослар асирлигида».

ЎзТВ IV

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».

ЎзТВ V

17.55 «ДАРАКЧИ». 18.05 Кўрсатувлар дастури. 18.10 «Сен ҳақинда ва сен учун».

ЎзТВ VI

17.45 «Мультичарпалак». Ака-ука Гриммлар. «Кўнча ва тиграчки».

Дилга кўчган сатрлар

СОҲИБҚИРОН ҲИТЛАРИ

Амир Тему́р - буюк шахс: мағлубият нелигини билмаган саркарда, йирик давлат арбоби, конуншунос, иқтидорли меъмор, қобилиятли нотик, руҳшунос, шу билан бирга, ўз элу юртини жонидан ортиқ севган ва уни жаҳонга машҳур қилган инсон.

Гарчанд, тарихнинг мислсиз талотўплари, замон эврилишлари, турли ғоялар ва синфлар ҳукмронлиги даврида буюк бобомиз Амир Темурга турлича муносабат билдирилган бўлса-да, тарих саҳнида кимнинг ким эканлиги бугун барчамизга аён. Мустақиллик шабадалари соҳибқиронга соя солиб турган булутларни ҳайдаб, пок номларига кўнган йиллар ғуборини учуриб юборди. «Темур тузуқлари», Низомиддин Шомий ва Шарофуддин Али Яздийларнинг «Зафарнома»си, Ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб ул-мақдур фи ахбори Темур» (Амир Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари) ва бошқа қатор асарларни қайта-қайта ўқир эканмиз, бобокалонимизнинг янги-янги қирраларини кашф этамиз. Соҳибқироннинг ибратли панд-насихатлари ва ҳитларидан ҳам унинг кимлигини билиб оلسа бўлади. Булар эл-юрт ва фуқаронинг ташвиши, раиятпарварлик, меҳр-муруват, кўшничликка риоя қилиш ва ниҳоят, мардлик ва қаҳрамонлик ҳақидаги ҳаётий ҳитлардир.



ЯХШИ ОДАМ ЮРТ ТУЗАР...

Давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тadbир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан баҳо келтирилуру...

Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиб, азии қатий, тadbиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тadbирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

Гарчи ишнинг қандай яқунланиши тақдир пардаси ортида яширин бўлса ҳам, ақли расо ва хушёр кишилардан кенгашу тadbир истаб, фикрларини билмоқ лозимдир.

Юз минг отлик аскар қила олмаган ишни бир тўғри тadbир билан амалга ошириши мумкин.

Шижоатли кишиларни дўст тут, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди.

Ақлли душман жоҳилу нодон дўстанд яхшироқ.

Чин дўст улдирик, дўстидан ҳеч қачон ранжи-майди, агар ранжиса ҳам узрини қабул қилади.

Тўғайга ўт тушса, ҳўлу қуруққа қарамай барчасин куйдиради.

Бир қулик адолат - юз кунлик тоат-ибодатдан афзал.

Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шўқр.

Филнинг думи бўлгунча, чумолининг боши бўл.

Ишон - аммо шўбҳа қил.

Бошсиз мамлакат жонсиз танга ўхшайди. Бежон тanning аҳволи вайроналикка ақиндир.

Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади.

Шер йигитни номус ўлдирар.

Ажал - қўқоқларга баҳона.

Адоват эмас, адолат енгади.



(12 апрелдан - 18 апрелгача)

Кўй - Иш кунлари ўз кўнги ва эътиборингизни му- жассамласангиз, ре- жаларингиз амалга ошади. Пайшанба кўни мураккаб ке- лиши кутилмоқда. Шунинг учун хизмат жойингизда ўзингизни вазиин тутинг. Силавий муносабатлар, фарзандлар билан мулоқот- ларда асабийлашингиз мумкин.

БУЗОҚ - Ян- ги имкониятлар ак- тариб, келажакни кўзлаб режалар ту- зинг. Тасодифлар олдда хавфсизманг. Чоршанба ва пайшанба кунлари эса ма- салаларингиз ечимини кейинга қолдирганингиз маъкул. Фарзандларингиз тарбиясига алоҳида эътибор қилинг.

ЭГИЗАКЛАР - Эски ғояларингиз сиз учун истиқбол кашф этади. Пайшанба кундан ташқари фаол меҳнат, ижод билан шуғулланишингиз унун бар- ча кунлар омадли келади. Кўнглингизни хушнуд эту- чи харидлар қилсангиз фойдадан холи бўлмайд.

КИСКИЧБАКА - Ушбу ҳафтада сўз ҳаракат қилсангиз ҳам ўз хоҳиш ва ре- жаларингизни амалга оши- ришингиз мумкин. Душан- ба ва пайшанба кунлари хизмат жойингизда муаммо- лар келиб чиқиши эҳтимо- ли бор.

АРСЛОН - Кундалик масала- лар, қийинчиликлар осонгина ўз ечими- ни топади. Атрофингиздаги- лар, оилангиз билан бўлган фикрлар тўқнашуви унчалик безовта қўлмайд. Хафта- нинг иккинчи ярмида соли- гингизга, дам олишингизга кўпроқ эътибор қилинг.

ПАРИЗОД - Ушбу кунлар келаж- ук режаларингизни тузишда сизга қулай келади. Дам олиш кунлари ҳамма ишни йиғиштириб хордиқ чикаринг.

ТАРОЗУ - Тад- биркорларнинг бир- ша операциялари бароридан келади. Фақат чоршанба ва пайшан- ба кунлари бундан мустас- но. Ҳафта давомида ақли меҳнат билан шуғулланиш учун яхши шароитлар юза- га келади.

ЧАЁН - Тadbиркорликда ортинг таниш- билишлар ушбу кунларда юзага келадиган муаммоларни ечишда жуда қўл келади. Керакли маълу- мотга эга бўлишингиз омад- ли тақдир қилишга ёрдам беради. Бирок думда, сешан- ба ва пайшанба кунлари «тузоқ»қа тушишингиз мумкин.

ЎКОТАР - Ирода ва қувватин- гиз келажак учун пойдевор расойди. Шу бурждагиларнинг баъзи- лари узларининг мансаб йў- лидаги ҳаракатларини амал- га оширишлари учун жуда яхши имконият юзага кела- ди.

ТОҒ ЭЧКИСИ - Ушбу вақт мо- байнида қўнгина муаммо ва масала- ларингизни ҳал қиласиз. Бирок душанба, сешанба, пайшанба ва якшанба кун- лари алоҳида диққат-эъти- борли бўлиш талаб қили- нади.

КОВҒА - Ўзингизга ортиқча ташвишлар орти- манг, моддий-молиявий ма- салаларда дўстларингиз иш- тироқидан фойдаланманг. Асосий ишларни ҳафтаинг биринчи ярмида қилишга мўлжалланг. Пайшанба ва жума кунлари касбингиз доирасида эҳтиёткор юза- га келиши эҳтимол бор.

БАЛИК - Ку- тилмаганда молия- вий-ҳўжалик маса- лаларда, фарзандларингиз билан бўлган муносабатлар- да зиддиятлар юзага кели- ши мумкин. Шундай бўлса ҳам сизнинг тadbиркор ҳам- корларингиз билан бўлган мулоқотларингиз омадли бўлади.

Ўзбекистон агросаноат мажмуи ҳодимлари қасаба уюшмаси Марказий Қўмитаси Меҳнатни ва эколог- ияни муҳофаза қилиш бў- лимининг бош техник но- зирни Толиб Юсуповга ака- си. Сотвалди Юсуповнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қи- лади.

Халқимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни катта мамнуният билан қўллаб-қувватламоқда. Хали мустақилликнинг илк йилларидаёқ Президентимизнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли» асарида ислохотлар ижтимоий жабҳа билан қўйилиб олиб борилиши таъкидланган эди. Бинобарин, тарих- га назар соладиган бўлсак, давлат ва иқтисо- дийнинг бошқаришда ўзига хос мактаб яратган соҳибқирон Амир Темур ҳам ўз сиёсатида халқ- нинг ижтимоий ҳимояланшига катта эътибор бер- ганлигини илгаш мумкин. Соҳибқирон даврида юрт обод, эл эмин-эркин, фаровон турмуш ке- чирганлиги шу сабабдир.

манни йўлатмаган навкарни юкори мартабага кўтариб, ҳурматласинлар. Уғри ва қароқчиларни жазоласинлар, фасодчи, бузуқ, нафси ёмон кишиларни мамлакатдан ҳайдасинлар. Атрофдан кир- ган-чиққан мол-мулк, четдан кирган ва четга чиқадиган ёт кишилар... ҳақида хабар ет- казиб турсинлар».

Албатта, мамлакат ичида- ги гап-сўз, ҳодисалардан ҳақ- қоний хабар олиб туришни Жаҳонгир ўз вазифаси, деб билган. Қолаверса, йўл ус- тида биронта одамнинг нар- саси йўқолса, ҳуқуқи поймол этилса ёки бошқа қор-хол юз берса, бунга қалъа бош- ликлари ҳамда зобитлар жа- вобгар ҳисобланган.

Мамлакат ичида сипоҳий ва ҳарбийлар, олимۇ фуза- л, донишманд, табиб ва та- рихчилар алоҳида қадрлан- ган. Уларга ўз холи ва иқти- дорига ярош ва вазифалар юк- ланиб, сууролл ва маош бел- гиланган. Хизматчи ва фар-

Жаҳон чемпиони МАМАЖОН МУХИДДИНОВ ПЕТРОСЯН

Бир сафар Ботвинник: «Юксак натижаларга эри- шиш учун талантдан ташқари шахматчи камида учта хусусият: меҳнатсе- варлик, мустаҳкам соғлиқ ҳамда жанговор характер- га эга бўлмоғи лозим»- деган эди. Петросянда икки сифатнинг ҳаммаси мўл-кўл эди, фақат битта нарса - жанговор харак- тер еттишмасди, холос. Меҳнатсеварликка уни ҳаётнинг ўзи ўргатди. Петросян (1929 йилнинг 17 июнида Тбилисида ту- гилган) уруш йилларида ўсиб улғайганлар авло- дида мансуб бўлиб, ота ва онасидан эрта айрил- ган болакай мактабда ўқиш билан бирга ишга киришга мажбур бўлади. Машаққатли болалик Пе- тросян характерининг ша- кланишига шўбҳасиз таъсир кўрсатди. У жуда ёш чоғиданоқ озга кў- нишга ўрганди. Петросян Тбилиси ўқувчилар саройида шу- гулланар экан, тажриба- ли педагог, мастер А.Эб- ралидзе шогирдидаги ўткир қобилиятни пайқай олди. Еш Петросян Нимцо- вич ғояларига тан берув- чи, Капабланкани идеал ҳисобловчи, устознинг ўғитларини қулоғига ба- мисоли кўрғошиндек қўйиб борарди. Унинг тимсолида икки

сил қилган эди. Позиция мураккаблашган сари Петросян моҳирроқ ўйнарди.

Мусобақадан мусоба- қага Петросяннинг маҳора- ти ўсиб борар, ёшига нисбатан унга позиция- ни нафис илгаш, ноёб дид, юксак техника ҳам мос бўлган етук ўйинчи- лигини кўз-кўз қиларди. 1947 йили у мастер бўл- ди, яна икки йилдан сўн- ра кўп мастерлар учун ҳа- ли ҳам ушалмаган орзу бўлиб қолаётган мусоба- қа - собиқ Иттифок бир- инчилигининг финалида қатнашиш учун илк бор ҳуқуқ олди. Дебют кам- тарона натижа - 16 ўрин билан ақунланди. Кейин- ги биринчилик ҳам Пе- тросян ҳаётининг қўн- қонлиги бўлиб қолди (12-13 - ўринлар). Лекин бу турнирлар ёш мастер учун ажойиб мак- таб бўлди.

МАРОКЛИ МАШҚЛАР Иккала тасвирда ҳам оқлар икки юриш- да мат қилади. Азизлар, газетани кўлингизда тутган ҳол- да тасвирдаги топши- риклар ечимини то- пишга ҳаракат қилиб кўринг. Амалий ўйинда ҳам юришдан олдин донага қўл урилмайди- да!



(давоми бора)

ХУНАРЛИ ХОР БЎЛМАГАЙ...

сооблаганлар. Бунинг учун бозорлардаги тош-тарозунинг тўғрилиги, нарх-навоини оди- лона қўйилганлиги алоҳида текширилган. Қаллоблик, тов- ламачилик қилган савдогар- лар шундоқгина бозорнинг ўзиде, халқнинг кўз ўнгиде шарманда қилиниб, жазога тортилганлар. Амир Темур давридаги ошқоралик, демок- ратик фуқаролик давлати бар- по этиш тямойиллари ана шу ҳодисотларда яққол намоён бўлади. Халқни ижтимоий ҳи- моялаш, бозор монополияси- дан муҳофазалаш мақсадида савдогарларга олиб келган мол-товарлари учун 10 фоиз- га устама нарх қўйиш руқ- сат этилган. Ана шу тариха икки ўстеъмом бозорлари энг сифатли, энг нарх-баранг ва муҳими энг арзон маҳсулот- лар билан тўлиб-тошган. Бу ҳодисотни бугунги ислохотла- римиз даврида импорт қили- наётган товар-маҳсулотлар тендер-танлов асосида жалб қилинаётгани билан қўйслаш қийин эмас.

рош (бу ерда палос тўшовчи маъносидан)ларга юздан минг тангагача маош тайинланган. Қизичи шундаки, давлат то- монидан бериладиган маош- ларнинг тўлиқ маълумотини Девонбег ва вазирлар Амир Темурга етказиб туришган. Алоҳида фидкорлик кўрсат- ган сарой хизматчилари, лаш- карбони ва аскарлар учун ха- зинадан махсус маош тайин- лангани, бу ҳам меҳнат бил- лан банд бўлганларга диққат- эътиборнинг кўринишидир.

«Софдил кишилар, саййидлар, олимлар ва фо- зиллаларга даргоҳим доим оқиқ эди - дейилади «Темур ту- зуқлари»да. - Чунки бу ин- сонлар мамлакат ривожиде устуңдиллар». Шунингдек, деҳқонлар, касб-хўнар эгала- ри, савдогарларга ўз ишлар- ини юритиши учун уруғ, ас- боб, сарможа бериб, шароит яратишга эътибор кўрсатган.

Шу тариха мамлакатда яра- тувчанлик - ислохот йўли ра- баатлангириб турилган. Бобо- миз Амир Темур ана шу ғоя- дан келиб чиққан ҳолда, юрт- даги истиқболли ишларни хал- қ манфаатига мослаб олиб борганлиги ва бу жаҳдда эри- шилган муваффақиятлар шўб- ҳасиз унинг буюк даҳоли- гидан далолатдир.

Абдухалил РАЗЗОҚОВ, иқтисод фанлари доктори, профессор, Нодир АЛИМОВ, журналист.

қолмасди. Бу соҳада банд бўл- ганлар сафининг қўлиги оқи- батда Темур салтанати даври- да масхиду мадраса, ғарибхона, йўловчи ёки камбағалларга овқат бериладиган лангархона, шифохоналар қўлга кирилган. Қолаверса, бундай ижтимоий хизмат кўрсатиш шўбҳачалари- да минглаб кишилар иш билан таъминланиб, оила тебратил- ган. Бундан ташқари Соҳибқирон даврида хоржиқ кўлатлар билан савдо-иқтисодий алоқалар- ни ривожлантириш инфрастрү- турасига жиддий эътибор берил- ди. Амир Темурнинг шахсан ўзи Англия ва Франция қироллари- га муурожаат этиб, алоқаларни изчил йўлга қўйиш мақсадида Марказий Осиё орқали улар- нинг хавфсизлигини таъминлаш учун махсус равоатлар, карвон- сарой ва савдо расталари кур- дирди. Жаҳонгир бобомиз юрт осойишталиги, иқтисодий эркин ҳудуди барпо этиш йўлида ҳам жиддий тadbирлар кўрган. Мам- лакат чегараларини девор би- лан ўраб, қўрғон курдирган, 1380 йили Шахрисабзда Оқса- роини қуришга киришиб, ша- хар атрофини девор билан ўра- ган. Маълумки, Амир Темур сал- танатининг чегараси харбий юришлар даврида беқарор эди, лекин шунга қарамай юртдан бирон нарса ташқарига сўр- қис олиб чиқиб кетилмаган. Жа- ҳонгир бу ҳақда шундай дейди: «Мамлакатни ҳимоя қилиб, душ-

Logo for 'ISHONCH' newspaper with contact information.

Advertisement for 'BOH MUHARRIR: MIRGIYS QAYUMOV' with address and phone number.

Advertisement for 'KASABA UYUSHMALAR' with contact details.

Advertisement for 'SOTAVDA ERKIN NARXDA' with address and phone number.

Advertisement for 'SHARQ' newspaper with subscription information.